



Мунофиқларга энг оғир намоз Хуфтон ва Бомдод намозларидир. Агар у иккисидаги нарсани билганларида, эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқларга энг оғир намоз Хуфтон ва Бомдод намозларидир. Агар у иккисидаги нарсани билганларида, эмаклаб бўлса ҳам келар эдилар. Батаҳқиқ, намозга амр қилиб, у қоим қилинганда бир кишини одамларга намоз ўқиб беришини буюриб, сўнгра ўзим ўтин боғламларини кўтарган одамлар билан намозга ҳозир бўлмаган одамларнинг олдига бориб, уйларига ўт қўйиб юбормоқчи бўлдим», дедилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мунофиқлар ва уларнинг намоздан ялқовланишлари, хоссатан бомдод ва хуфтон намозларидан ялқовланишлари ҳақида хабар бердилар. Агар мусулмонлар жамоати билан намоз ўқишнинг фазилатини билганларида эди, ёш бола қўли ва тиззаси билан эмаклагандай эмаклаб келган бўлар эдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга буюрсалару қомат айтилса, у зотнинг ўрниларига бошқа киши имомлик қилса-ю сўнгра намозга келмайдиган кишиларнинг уйларига бир тўда одамлар билан ўтин олиб бориб уйларини ёндириб ташлашни ният қилдилар. Чунки улар жуда қаттиқ гуноҳ қилишган эди, лекин У зот бундай қилмадилар, чунки у уйларда гуноҳсиз аёллар, болалар ва узрли инсонлар бор эди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3366>

